ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz Habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2003-yil, 19-sentabr, 38 (575)-son | Sotuvda narxi erkin

## АСОСИЙ ВАЗИФА — ДАСТУРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

***Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони асосида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қатор устувор масалалар ва муҳим вазифалар белгилаб олинган.***

**Компютерлаштиришни** ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ҳукумат қарорларини бажариш бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, унинг тизимидаги корхона ҳамда ташкилотлар томонидан ўтган даврда қатор ишлар амалга оширилди.



Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжатлар алмашиш тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунлари лойиҳаси ва "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири тайёрланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

"Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири яқинда бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжатлар алмашиш тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлари лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган. Шу билан бирга 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ривожлантириш, давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш Дастурлари ва "Ахборотлаштириш Концепцияси"нинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида кўриб чиқилди ва маъқулланди. Ушбу дастурларни ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари самараси ўлароқ, айни пайтда Агентлик таркибидаги қарийб барча корхона ва ташкилотларнинг Интернет тармоғида ўз веб-саҳифалари, локал компютер тармоқлари ҳамда электрон почталари мавжуд. Бироқ, афсуски, айрим ташкилотлар, жумладан "Гранит" илмий-ишлаб чиқиш корхонаси ва "Узсвязьспутник" қўшма корхонаси раҳбарлари бу масалага етарлича эътибор беришмаяпти.

(Давоми 2-бетда.)

## OBUNA – 2004

**Ҳурматли муштарийлар!**

Келгуси йил учун севимли газетангизга обуна давом этмоқда. Агар Сиз "Xabar"га ўз вақтида обуна бўлсангиз, йил мобайнида алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор воқеалардан хабардор бўлиб борасиз.

Газетага барча алоқа бўлимлари, "BTL" ва "BTL - TEZKOR" агентликлари ҳамда "Тошкент почтамти" ОТАЖ орқали обуна бўлиш мумкин.

**Нашр кўрсаткичлари:**

**Якка тартибдаги обуначилар учун - 227.**

**Ташкилотлар учун - 228.**

"Xabar" газетаси йил давомида ҳар ҳафтанинг муборак жума куни теледастурлари билан бирга хонадонингизга кириб боришини истасангиз, обуна бўлишга шошилинг!

**NISHONDORLARIMIZ**

## ЭЪТИРОФ

***Бундан салкам 30 йил олдин, аниқроғи 1974 йили Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)ни автоматик электралоқаси муҳандиси мутахассислиги бўйича битирган Хосият Жалиловани барча тенгдошлари қатори мустақил ҳаёт кутиб турарди. Йўлланмани ўзи туғилиб ўсган она шаҳри — Бухорога беришди. Табиийки, Бухоро шаҳар алоқа боғламасининг телеграф алоқаси цехида оддий муҳандис бўлиб ишлай бошлаган кезлари ёш мутахассис учун осон кечгани йўқ. Бироқ, у тиришқоқ ва ўткир зеҳнли, кенг мушоҳадали бўлгани боис, меҳнат жамоасида тез вақт ичида ўз ўрнини топишга, ҳамкасблари ишончини қозонишга муваффақ бўлди.***



Олий ўқув юртида олган билимлари, амалий машғулотлар давомида эгаллаган кўникмалари бу ўринда қўл келди, албатта. Айнан шу даврда иқтидорли мутахассис томонидан тавсия этилган бир қатор ихтирочилик таклифлари кундалик ишни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, кўрсатиладиган хизмат сифатини яхшилаш имконини берди. Х.Жалилова телеграф алоқаси цехида катта муҳандис, кейинчалик корхонада бошлиқ бўлиб ишлаган чоғида ҳам изланиш, ўз устида ишлаш, ўқиб-ўрганишдан чарчамади. Негаки, у келажакда ўзи танлаган соҳани ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшиш, ўзининг бутун ғайрати ва билимини ана шу эзгу ишга сафарбар этиш мақсади билан яшарди. Ният ва мақсад холис бўлганда эса ҳар қандай иш ҳам ўнгидан келаверар экан.

Вилоят ишлаб чиқариш техника алоқа бошқармасида катта диспетчер бўлиб ишлаган, бироз вақт ўтиб эса Бухоро шаҳар почтамтига бошчилик қилган йилларини Хосият опа ажиб бир мамнунлик билан эслайди.

— Ўша кезлари қўл остимда 370 нафардан ортиқ киши ишларди, — дея хотирлайди у. — Табиийки, ҳар бир ходимнинг ўз феъл-атвори, атрофдаги кишиларга муносабати, юриш-туриши, қолаверса кундалик ишга ўз муносабати бўларди. Ҳалол, виждонан ишлайдиган ходимлар билан бирга берилган топшириқни "қўл учида" бажарадиган, "мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида иш тутадиған кишилар ҳам учраб турарди...

Ҳа, узоқни кўра оладиган раҳбарпина шароит тақозоси қай тарзда бўлишидан қатъи назар одамлар қалбига йўл топа олади. Юзага келган вазиятни теран идрок этиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира олиш маҳоратига эга бўлади. Ана шундай ижобий фазилатларни ўзида шакллантира олган Хосият Жалилова ҳам бундан мустасно эмас.

1997 йилнинг октябрида бўлиб ўтган корхона акциядорлари умумий йиғилишида Х.Жалилова бир овоздан "Бухоро почтаси" акциядорлик жамиятининг директори этиб сайланди. Ўтган давр ичида вилоятда почта алоқаси ва матбуот тарқатиш тизимининг тўлиқ шаклланганлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси иш сифатининг тобора яхшиланганлиги, аҳолига, корхона ва ташкилотларга кўрсатилиши лозим бўлган хизмат турларининг кенгайганлиги, тизимдаги корхоналар ходимларининг касб маҳорати ошганлиги тажрибали раҳбар аёл изланишлари, жонкуярлиги, ташаббускорлиги, бир сўз билан айтганда, самарали ва изчил фаолиятининг аниқ маҳсулидир.

Халқимизда "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомда йўрғалар" деган ҳикматли нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Шукуркйм, Хосият опа ҳақиқий, зукко ва доно устозларидан ҳаёт илмини ўрганди, уларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлди. Шу боисдан бўлса керак у ўзининг илк устозлари — раҳматли Ҳаким Абдураҳмонов, Исрафил Чакидзе, Ашур Соҳибовларни чуқур ҳурмат билан тилга олади. Ҳозирги пайтда ёшларга ибрат ва намуна бўлиб келаётган Шариф ака Худойбердиев, Толиб ака Ҳакимов, Шодмон ака Жумаев, шунингдек, Өлия опа Жўраева, Мария Варламова, Мария Ермолаевалар ҳақида тўлқинланиб сўз юритади. Олий ўқув юртида бирга таҳсил кўрган курсдошлари ҳақида сўз борганида эса Хосият опа ўз ҳаяжонини яшириб ўтирмайди. Негаки, ёшлик йиллари ҳамиша беғубор ҳис-туйғулар билан йўғрилган. Шундан бўлса керак, Хосият опанинг ёш йигит-қизларга меҳри-ю эътибори ўзгача. Бугунги кунда унинг ўзи ёшларга талабчан устоз, меҳрибон мураббий.

Хосият опанинг узоқ умр кўрган падари бузруквори Ражаб бобо ҳам, "Қаҳрамон она" унвонига сазовор бўлган муҳтарама волидаси раҳматли Тўхтажон ая ҳам барча фарзандлари қатори ўз суюкли қизлари Хосиятга ҳам бир гапни қайта-қайта уқтирардилар: "Меҳнатдан қочма, болам. Эл-юрт ишига ярайдиган бўл. Унинг қувончли кунларида ҳам, ташвишли дамларида ҳам бирга бўлсанг, оғирини енгил, узоғини яқин қилсанг, бир кунмас бир кун у ҳам сени эъзозлаб тилга олади, ардоқлайдиган бўлади, меҳнатингни эътироф этади".

Чиндан-да шундай бўлди. Республикамиз мустақиллигининг муборак 12 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз қатори Хосият Жалилова ҳам узоқ йиллик фидокорона меҳнати учун Президентимиз Фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу мукофот тажрибали ва истеъдодли раҳбар аёлни юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида янги куч-ғайрат билан меҳнат қилишга ундаши шубҳасиз. Ана шу собитқадам йўлда унга омад ҳамиша ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз.

**А. ИСТАМОВ**
**Бухоро вилояти**

# АСОСИЙ ВАЗИФА – ДАСТУРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Агентлик тизимида электрон ахборот алмашувини ташкил этиш мақсадида "Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида электрон ахборот алмашувининг вақтинчалик қоидалари" амалга киритилганди. Мазкур қоидаларда электрон ҳужжатлар ва электрон маълумотлар айирбошлашни ташкил этишнинг умумий талаблари ҳамда тамойиллари белгилаб олинган.

Ўзбекистоннинг Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларини кўпайтириш ва уни ривожлантириш ҳамда чет эл фирмаси томонидан бошқарилаётган ".uz" доменини бошқариш ҳуқуқини Ўзбекистон ташкилотларига қайтариб олиш бўйича халқаро ташкилотлар билан биргаликдаги амалий ишлар бажарилди. Натижада Ўзбекистоннинг Интернет тармоғидаги ".uz" доменини бошқариш ҳуқуқи "UzInfoCom" марказига берилди. Бу воқеийлик жорий йили эришилган энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлди.

Маълумки, бирор бир вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, раҳбар ходимларнинг ўзи бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши лозим. Шу мақсадда давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ўринбосарларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларида ишлай олишга ўқитиш бўйича БМТ дастури доирасида Таллин шаҳрида (Эстония) иккита семинар ўтказилди. Ушбу семинарларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт, Молия, Ички ишлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат статистика ва Давлат солиқ қўмиталари, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ, Ҳиндистон ваколатхонаси ва бир қатор провайдер ва компаниялар ҳомийлигида "Ахборот технологиялари соҳасидаги энг яхши ихтиро" танлови бўйича мусобақалар (www.sarkor.uz/konkurs) ўтказилди. Мазкур мусобақаларда 250 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди.



Халқаро ахборот тармоқларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро компютер тармоқларидан фойдаланишни марказлаштиришдан чиқариш тўғрисида"ги Қарори билан маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари (провайдерлари)нинг республика ва халқаро компютер тармоқларидан, жумладан, Интернетдан фақат "UzPAK" корхонаси ва Маълумотлар узатиш миллий тармоғининг техник воситалари орқали фойдаланишига оид белгиланган тартиб бекор қилинди. Натижада жорий йилнинг бошига нисбатан халқаро ахборот тармоқларига чиқиш тезлиги 156 фоизга (18,0 Мбдан 28,16 Мбгача), Интернетдан фойдаланувчилар сони эса 128,4 фоизга кўпайди.

Дастурий маҳсулотларнинг экспортини ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароитлар яратиш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш Концепцияси ҳамда "Ўзбекистон интеллекти" ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш бўйича эркин илмий-техник минтақа тўғрисида"ги Низом лойиҳалари тайёрланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида жаҳон ва мамлакатимиздаги анъаналар ва ютуқларни ёритувчи ҳамда Интернет-нусхаси мавжуд бўлган "InfoCom.Uz" ахборот-таҳлилий журнали ташкил этилди. Шу билан бирга Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорига асосан, "Оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини компютер билан ишлашга босқичма-босқич ўргатиш ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш жараёнини ёритиш" дастури амалга киритилди. Унга кўра, ҳар ойда телевидение орқали республикамизда ахборот-технологияларини жорий этиш масалалари бўйича махсус дастур намойиш этиб борилмоқда.

Хуллас, "2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш давом этмоқда. Мана шу йўналишларда янги ютуқларга эришиш учун эса келгусида ҳал этиладиган ишлар кўп. Хусусан, электрон ҳужжатлар алмашуви, ахборот хавфсизлигини таъминловчи техник воситалар ва дастурий маҳсулотларни сертификатлаш тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, давлат бошқарув органларининг масъул ходимларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ўргатиш ва бошқа йўналишлар бўйича амалий ишларни янада жадаллаштиришимиз зарур.

**А. ХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари**

**TATUning 50 YILLIK YUBILEYI OLDIDAN**

# РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯГОНА ФАКУЛТЕТ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қисқа вақт ичида малакали алоқачи офицерлар тайёрлаш ва Қуролли Кучларимизнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш кечиктириб бўлмас вазифага айланди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил, 12 февралдаги Фармонига асосан Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ) таркибида алоқачи офицерлар тайёрловчи Махсус факултет ташкил этилди.**



**Дастлаб** факултет қошида учта кафедра ташкил қилиниб, уларда учта ҳарбий-ҳисоб мутахассисликлари бўйича офицерлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинчалик ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари учун офицер кадрлар тайёрлаш долзарб вазифага айланди ва бу Махсус факултет тузилмасига ҳам ўзгартишлар киритишни тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 12 августдаги "Тошкент электротехника алоқа институти Махсус факултети базасида ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит ракетачилари ва радиотехника қўшинлари офицер кадрларни тайёрлаш ҳақида"ги қарорига биноан факултетнинг янги ташкилий штат тузилмаси тасдиқланди. Унга асосан ҳозирда Телекоммуникация ва Радиотехника йўналишлари бўйича еттита кафедра фаолият кўрсатиб келмоқда.

Махсус факултетда ўқиш муддати беш йил бўлиб, ўқув-тарбиявий ишлар жараёни пухта ташкил этилган. Курсантларга таркиби асосан миллий офицер кадрлардан иборат бўлган профессор-ўқитувчилар таълим бериб келмоқда. Улар талабалар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларни она Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга умумҳарбий, тактик, ҳарбий техника ва ҳарбий-махсус фанлар бўйича ўқув юкламаларини олиб борадилар ҳамда дала-машқ ва махсус дарсларни, Давлат ва кириш имтиҳонларини ташкил этиб, ҳарбий ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қиладилар.

Факултет ташкил этилгандан буён Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун 344 алоқачи офицер тайёрлаб берилди. Бу ерда замон талабига жавоб бера оладиган офицер кадрлар тайёрлаш учун имкониятлар етарли. Талабалар олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб борадилар. Кафедралар керакли ҳарбий ва алоқа техникаси ҳамда воситалари билан тўлиқ таъминланган. Масалан, "Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари" кафедраси талабаларида ҳарбий техникалар билан бевосита танишиш, амалий машқлар бажариш, радиоэлектрон техникаларни созлаш ва радиолакацион станцияларнинг жанговар ишини кузатиш каби имкониятлар бўлса, "Ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит ракета қўшинлари" кафедрасида махсус жиҳозланган зенит ракета мажмуаси жойлаштирилган дала ўқув базаси мавжуддир. Шунингдек, кафедралар ўқув режасида кўрсатилган мутахассисликлар бўйича айрим фанлар ҳарбий қисмлар базасида ўтказилади. Энг муҳими, факултет талабалари учинчи курсга ўтганларидан кейин ҳарбий қасамёд қабул қилиб, университет курсанти мақомига эга бўладилар ва Мудофаа Вазирлиги таъминотига ўтадилар.

Махсус факултетнинг офицер-ўқитувчилари талабаларга замон талабидан келиб чиққан ҳолда билим бериш борасида тинмай изланмоқдалар. Улар томонидан шу кунга қадар элликдан ортиқ ўқув қўлланмалар, дастурлар ва бошқа ўқув-услубий алабиётлар чоп этилди. Талабаларга офицер кадрларни тайёрлаш ўқув режасида белгиланган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, аниқ ва табиий, умумкасбий ва махсус фанлардан дарс бериш эса ТАТУнинг ўттизга яқин кафедраларига юклатилган.

Факултетнинг моддий-ўқув базаси ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб ва такомиллашиб бормоқда. Бунда Мудофаа вазири Қ.Ғуломов ҳамда университет ректори С.Қосимовларнинг саъй-ҳаракатлари катта, албатта. Сўнгги йилларда "Радиоалоқа" кафедрасининг иккита ўқув синфига Америка Қўшма Штатларининг "Харрис" фирмаси радиостанциялари ўрнатилди. Бундан ташқари, факултетда Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмаси билан НАТОнинг "Тинчлик учун ҳамкорлик" дастури доирасида замонавий компютерлар билан жиҳозланган махсус синф ташкил этилди.

Хуллас, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факултетининг ўн йиллик фаолиятига назар ташласак катта ишлар қилинганига, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига офицер кадрларни университет таркибида тайёрлаш тўғри йўл эканини амалда ўз исботини топганига гувоҳ бўламиз.



**У. ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Xabar"нинг махсус мухбири**

# ТЎРАҚЎРҒОНДА СЕМИНАР

**"Наманган почтаси" акциядорлик жамиятининг Тўрақўрғон филиалида халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори почта алоқаси соҳасида ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш, иш сифати ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, пул маблағларини сақлашни таъминлаш, соҳага янги техника ва технологияларни жорий этиш ҳамда пенсия тўлови ҳужжатларини тўғри олиб боришни ташкил этиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш мақсадида ўқув семинари бўлиб ўтди.**

**Семинарда** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини янада ривожлантириш ҳамда соҳанинг долзарб йўналишларини яхшилашга оид чиқарган қарор ва буйруқларини бажариш бўйича белгиланган йўл-йўриқлар ҳамда ходимларнинг малакаларини ошириш бўйича кўпгина долзарб масалалар ҳам ўрганиб чиқилди.

"Наманган почтаси" АЖ директори А.Қурбонов семинарда қатнашиб, аҳолига почта хизмати кўрсатишнинг аҳамияти, кейинги йилларда олиб борилаётган ишлар, меҳнат жараёнини яхшилашга оид амалга оширилаётган тадбирлар, кадрлар малакасини ошириш, келажагимиз пойдевори бўлган ёш мутахассисларнинг соҳани ривожлантиришдаги ўрни ҳақида гапириб ўтди. Шундан сўнг семинарда иштирок этган шаҳар ҳамда туман филиаллари бошлиқлари ва тегишли мутахассислар сўзга чиқиб, почта соҳасида долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилишда олган билим ва билдирилган таклифларни ўз корхоналарида татбиқ этишни мақсадга мувофиқ, деб топишди.

Семинарни ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этган ташкилотчилар "Наманган почтаси" АЖнинг тегишли буйруғига кўра мукофотландилар.

**Б. БОЛТАБОЕВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

# "TOSHKENT TAKSOFONI" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ 144234 ДОНА ОДДИЙ ЭГАСИ ЁЗИЛГАН НАҚДСИЗ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛУВИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

**38. Бўлажак акциялар чиқарилувини муомалага киритиш шартлари:**

а) акция чиқарилувининг тури ва шакли: оддий эгаси ёзилган накдсиз акциялар,

б) чиқариладиган акциялар сони: 144 234 (бир юз қирқ тўрт минг икки юз ўттиз тўрт) дона,

в) чиқариладиган бир акциянинг номинал қиймати, сўм: 1 000 (бир минг) сўм,

г) чиқарилувнинг умумий қиймати (номинал қийматда), сўм: 144 234 000 (бир юз қирқ тўрт миллион икки юз ўттиз тўрт минг) сўм,

д) ҳар бир чиқариладиган акция томонидан бериладиган ҳуқуқлар:

–акциядорлар реестрига киритилиш;

–акциядорлар реестридан ўзлари ҳақида қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган кўчирмалар олиш;

–жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар сифатида олиш;

–жамият тугатилган тарзда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

–жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

–жамият низомига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;

–олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;

–ваколатли давлат бошқарув органларида ва судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

–эмитентнинг ҳуқуқсиз, ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарларини тўлашни талаб қилиш;

–қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва /ёки/ фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;

–жамият оддий акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашиш;

–амалдаги қонунларга кўра бошқа ҳуқуқларга эгалар.

е) акцияларни жойлаштириш усули: акциялар қўшма корхона Уставига асосан аввалдан маълум акциядорлар (таъсисчилар) ўртасида жойлаштирилади,

ж) акцияларни жойлаштириш тартиби ва муддатлари: Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бир йил ичида,

з) акциялар жойлаштиришнинг тахминий баҳоси: номинал баҳосида,

и) акциялар тўловлари тартиби ва шартлари, шу жумладан, ҳисоб-китоблар шакли, акция тўловлари учун ўтказиладиган маблағларнинг банк ҳисоб рақамлари: Акциялар Ўзбекистон томони акциядорлари ўртасида ўз улушларига мутаносиб равишда бепул жойлаштирилади.

"SOLAN INTERNATIONAL" Компанияси акциядори (таъсисчиси) томонидан акциялар учун тўлов АҚШ доллари, асосий воситалар ёки технологик хом-ашё билан киритиш ҳисобига амалга оширилади.

**Банк манзили: Лондон шаҳри, Creechurch Lane кўчаси, 24-уй, EC 3A JX, Англия, ҳисоб рақами: 138-967, FIBI БАНК (U.K.) PLC Банки, МФО 60-26-13,**

к) акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилган эмитентнинг органи ва қарор қабул қилинган сана: 2003 йил, 12 февралдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши баёни,

л) эмитент Низомида белгиланган акциялар чиқарилувига бўлган турли чеклашлар, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар: акциялар қўшма корхона Уставига асосан маълум акциядорлар (таъсисчилар) ўртасида жойлаштирилади,

м) инвестор сотиб олинган акциялар бўйича оладиган даромадни солиққа тортиш. харакатдаги қонунчилик талаблари доирасида юридик шахслар ҳисобланган акциядорлар томонидан акциялар учун олинадиган даромад дивидендлардан 15 фоиз солиқ олинади, жисмоний шахс ҳисобланган акциядорлар томонидан акциялар учун олинадиган даромад дивидендлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил, 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони билан беш йилга даромад солиғидан озод қилинган.

**39. Агар акцияларга тўлов пулсиз маблағлар билан амалга ошириладиган бўлса, акция учун тўланиши мумкин бўлган мулкнинг рўйхати кўрсатилади.**

Акциялар учун "SOLAN INTERNATIONAL" Компанияси акциядори (таъсисчиси) томонидан асосий воситалар сифатида телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун технологик ускуна киритилади.

Акциялар чиқарилувининг 60 фоизлик улуши жойлаштирилмаган тақдирда акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинади.

Акциялар учун тўлов сифатида эмитент томонидан олинган пул маблағлари пул сифатида, асосий воситалар асосий восита сифатида инвесторга қайтарилади.

**40. Акцияга эгалик ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби, шу жумладан:** эмитентнинг акциялар эгаларининг реестрини юритишни амалга оширувчи реестр ушловчининг, агарда акциялар нақдсиз бўлса, шунингдек, улар ҳуқуқ ҳисобини олиб борувчи депозитарийнинг ҳам тўлиқ фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шаклини қўшган ҳолда, манзили, почта адреси, телефони ҳамда тегишли фаолиятни амалга ошириш учун рухсат берувчи лицензия тўғрисида маълумотлар (рақами, бериш санаси, лицензия берган орган, амал қилиш муддати).

Агар эмитент эгаси ёзилган акциялар эгалари реестрини юритишни мустақил равишда амалга оширса, реестр юритишини амалга ошираётган эмитент бўлинмасининг почта адреси ва телефони кўрсатилади.

Акциядорлар реестрини эмитентнинг ўзи юритади.

**"Toshkent Taksofoni" АЖ, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Фетисов кўчаси, 2-уй, тел.:199-88-01.**

Акцияларни нақдсиз эгалик ҳуқуқини юритувчи депозитарий ҳақида маълумот:

"ВАҚТ" Миллий депозитарийси акциядорлик жамияти,

ташкилий-ҳуқуқий шакли – АЖ,

лицензия рақами –– № 107, 2000 йил, 9 мартда Қимматли Қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан берилган,

манзили, почта адреси, телефони – Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй.

**41. Акцияларда эгалик ҳуқуқларининг ўтиши ва ҳисобини юритиш тартибига доир асосий маълумотлар келтирилади.**

Акцияларга эгалик ҳуқуқи олди-сотди, мерос, ворислик ва қонунда белгиланган бошқа усулларда ўтказилади ҳамда "ВАҚТ" Миллий депозитарийсида ҳисоби олиб борилади.

**42.Акцияларни жойлаштиришда иштирок этадиган ташкилотлар тўғрисида маълумотлар (андеррайтерлар): – Акциялар "ВАҚТ" Миллий депозитарийси томонидан таъсисчилар ўртасида жойлаштирилади.**

**43. Акциялар чиқарилуви эмиссия рисоласи асл нусхаси ва нусхалари билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот: Эмиссия рисоласининг асл нусхалари билан эмитентнинг манзилида – Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Фетисов кўчаси, 2-уй.**

Рўйхатга олинган акция чиқарилуви эмиссия рисоласининг тўлиқ матни жойлаштириладиган ахборот-маълумотнома тизимлари ва даврий матбуот нашрларининг манзиллари ва реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар, Фетисов кўчаси, 2-уй, "Toshkent Taksofoni" АЖда. "Мулкдор" газетасида берилган эълон бўйича.

**44. Акциялар сотишнинг асосий жойлари (жойи):**

жойлаштирилаётган акцияларни обуна йўли билан жойлаштирилган ҳолда сотишнинг асосий жойлари (жойи), нақд акцияларни жойлаштирган ҳолда нақд акцияларнинг сертификатларини бериш жойлари (жойи) кўрсатилади. Акциялар "ВАҚТ" Миллий депозитарийси томонидан таъсисчилар ўртасида жойлаштирилади.

**45. Акцияларни жойлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари:**

– янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва қайта тузиш мақсадлари учун ишлатилади;

– янги технологияларни ишлаб чиқариш ва татбиқ қилиш;

– лойиҳанинг муддати;

– лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий параметрлари;

– лойиҳа иштирокчилари;

инвестор учун эмитент томонидан муҳим ҳисобланган бошқа ахборот.

"Toshkent Taksofoni" АЖга Исроил таъсисчиси томонидан 81 минг АҚШ доллари миқдорида телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун ускуналар келтирилади.

Телекоммуникациялар хизматлари бўйича қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларга эришилиш кутилмоқда:

| Тартиб рақами | КЎРСАТКИЧЛАР | Ўлчов бирлиги | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Телекоммуникациялар хизматлари | млн. сўм | 400,0 | 850,0 | 1300,0 |
| 2. | Хизмат кўрсатиш харажатлари | млн. сўм | 260,0 | 400,0 | 600,0 |
| 3. | Хизмат кўрсатишдан тушган фойда | млн. сўм | 140,0 | 450,0 | 700,0 |
| 4. | Соф фойда | млн. сўм | 90,0 | 350,0 | 550,0 |

Олинган соф фойда ва айланма маблағлар (кўпайиши ҳисобига) жамият томонидан таксофон хизматларини ривожлантиришга йўналтирилади. Улар асосан халқаро ва маҳаллий алоқа хизматлари учун мўлжалланади. Натижада аҳолига телекоммуникациялар хизмати кўрсатиш сифати яхшиланади.

"Solan Communications" (Исроил) томонидан Ўзбекистон Республикасида таксофон тармоғини ривожлантириш учун қўшма фаолият юритиш ҳақида таклиф тушди. Ушбу таклиф "Тошкент Таксофони" ОАЖ ва "Ўзбектелеком" АКнинг мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, "Тошкент Таксофони" ОАЖ ва "Solan Communications" компанияси Ўзбекистон Республикасида таксофон тармоғини ривожлантиришга қаратилган қўшма фаолият юритиш ҳақида "Ўзбектелеком" АК билан келишув лойиҳаси тайёрланди.

Келишувнинг мазмуни қуйидагича:

"Solan Communications" компанияси Республика ҳудудида ва Тошкент шаҳрида таксофон тармоғини ривожлантиришда қатнашиш хоҳиши бор ва "Тошкент Таксофони" ОАЖ тармоғини ривожлантириш учун камида 150.000 АҚШ доллари, жумладан, 81.000 АҚШ долларини устав фондига қўшиш ва 69.000 АҚШ долларини камида 3 йилдан кам бўлмаган муддатга фоизсиз ссуда кўринишида сармоя киритишга тайёр.

"Ўзбектелеком" АК ҳам эквивалент равишда 150.000 АҚШ доллари, жумладан, 44200 АҚШ долларини устав фондига қўшиш ва 105.800 АҚШ долларини камида 3 йилдан кам бўлмаган муддатга фоизсиз ссуда кўринишида қўшимча сармоя киритади.

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент Таксофони" ОАЖнинг фаолият юритиши учун аниқ шароитлар яратиб беради:

"Тошкент Таксофони" ОАЖ 3620та линия (жумладан, 2240та линия Тошкент шаҳрида ва 1380та линия вилоятларда) станцион ва линияли ҳажмда аҳоли учун тарифлар асосида ажратилади. Ушбу тарифлар биринчи 5 йиллик фаолият даврида амал қилади.

Ажратилган линияларни халқаро ва шаҳарлараро каналлар билан таъминлаш.

"Тошкент Таксофони" ОАЖ халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизмати учун ўзаро ҳисоб-китоб ажримлари биринчи 3 йилда 26 фоиз, кейинги 2 йилда 35 фоиз ва сўнгги йилларда 60 фоиздан ошмаслиги керак.

Ушбу келишувни ва ишлаб чиқарилган Бизнес-планни амалга ошириш "Тошкент Таксофон" АЖ тармоғида беш йил давомида бошқарув маркази ва 3550та замонавий карточкали таксофонлар ўрнатилади, шу жумладан: (дона)

| 2003 йилда | 2004 йилда | 2005 йилда | 2006 йилда | 2007 йилда | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 310 | 480 | 1080 | 780 | 900 | 3550 |

Лойиҳада янги таксофонларни ўрнатиш, ускуналарни етказиб бериш ва ўрнатиш, олдиндан тўланган карталарни етказиш, ходимларни ўқитиш, ускуналарни технология жиҳатида ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. 3550 дона карточкали таксофонлар Тошкент шаҳрида ва бошқа ҳудудларда ўрнатилади.

Асосий босқичлари якунлангандан сўнг, 2006 йилдан бошлаб соф фойданинг бир қисми дивидендларга тўланиши режалаштирилмоқда: 2006 йилда акция номинал қийматидан 30 фоиздан кам бўлмаган, 2007 йилдан эса акция номинал қийматидан 100 фоиздан кам бўлмаган дивиденд тўланади.

Замонавий технологияларни жалб қилиш ҳисобига "Тошкент Таксофони" ҚК соф фойдаси қуйидагича белгиланади: (минг сўм).

| 2003 йилда | 2004 йилда | 2005 йилда | 2006 йилда | 2007 йилда |
|---|---|---|---|---|
| 90,0 | 350,0 | 550,0 | 600,0 | 800,0 |

Хорижий сармоядорнинг таклифи "Тошкент Таксофони" ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилди ва устав жамғармани 144.234.000 сўмга ошириш ёки 150.000 АҚШ доллари эквивалент равишда бўлиши ҳақида қарор қабул қилинди, яъни 54,0 фоизи хорижий сармоядорга тегишли, 30,0 фоизи "Ўзбектелеком" АКга тегишли, бошқа акциядорлар ва меҳнат жамоасининг улуши – 16,0 фоиз.

**46. Таваккалчиликнинг гуруҳлар бўйича тўлиқ таҳлили:**

| Таваккалчилик омиллари | Тўла мазмуни |
|---|---|
| 1. | 2. |
| Иқтисодий (эмитент фаолиятининг пул қадрсизланиши билан боғлиқлиги, корхонанинг айланма маблағларига банк фоизлари таъсири ва бошқалар) | Жамиятнинг иқтисодий фаолиятига пул қадрсизланиши ва корхона айланма маблағларига банк фоизлари ўз таъсирини ўтказади |
| Рақобатбардошлик (тармоқда худди шундай паст баҳода маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мавжудлиги ва бошқалар) | Жамиятнинг рақобатбардош корхоналари мавжуд |
| Ижтимоий (ушбу ҳудудда керакли бўлган мутахасисларнинг етишмаслиги, ходимлар сони қисқартирилишининг таъсир этиши, ижтимоий-маданий объектларнинг ушлаб турилиши корхона бюджетига таъсир қилиши ва бошқалар) | Жамиятда керакли бўлган мутахассислар, ижтимоий-маданий объектлар етарли мавжуд эмас |
| Техникавий жиҳозлар (бир қисми)нинг эскириши ва бошқалар | Эскирган жиҳозлар янгилари билан алмаштирилиб борилади |
| Экологик (экологик меъёрларнинг бузилиши билан корхонанинг ёпилиши мумкинлиги ва бошқалар). | Экологиянинг бузилишига ва корхонанинг ёпилишига йўл қўйилмайди |

**"TOSHKENT TAKSOFONI" ОАЖ ҚК маъмурияти**

DAVLAT ALOQA INSPEKTSIYASIDA

# МУАММОЛАР САБАБИ — МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

## ёхуд Раҳбарларнинг ижро интизомини ошириш — замон талаби

***Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан шу йил ўтган даврида иккита – Жиззах магистрал электр тармоқлари корхонасининг маҳаллий телефон тармоғидан ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг кўчма радиотелефон алоқаси тармоғидан фойдаланиш (технологик ишлаб чиқариш алоқаси) юзасидан лицензия шартлари бажарилиши бўйича давлат назорат текширишлари ўтказилди.***

Текширишларда ушбу хўжалик юритувчи субъектлар 32та радиостанцияга фойдаланиш, 4та радиостанцияга сотиб олиш ва ўрнатиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олмасдан фаолият кўрсатаётгани аниқланди. Бу билан Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги ва "Радиочастоталар спектри тўғрисида"ги Қонунлари талаблари қўпол равишда бузилган. Мазкур қоидабузарликлар юзасидан вилоят Давлат алоқа инспекцияси тушунтириш ишлари олиб бориб, уларга Электромагнит мослашув марказидан рухсатнома олиш тўғрисида тегишли кўрсатмалар берди.

Ҳозирда Жиззах магистрал электр тармоқлари корхонаси томонидан 4та радиостанцияга сотиб олиш ва ўрнатиш учун рухсатнома олинган, бироқ 32та радиостанция учун фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ҳанузгача олинмаган. Жиззах вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига эса текширишда аниқланган камчиликлар бўйича берилган кўрсатмага жавоб бўлмаганлиги учун яна икки маротаба эслатма ва огоҳлантириш хатлари берилди. Кўриниб турибдики, юқоридаги корхоналар раҳбарларининг ижро интизоми жуда паст даражада. Шулар эътиборга олиниб, мазкур масала юзасидан чора кўриш учун уларнинг юқори ташкилотига барча ҳужжатлар юборилди.

Электромагнит мослашув хизмати билан ҳамкорликда режага асосан вилоят ҳудудида ноқонуний фойдаланилаётган радиоэлектрон воситаларни аниқлаш бўйича рейдлар ўтказилмоқда. Ўтказилган рейдлар давомида 9 нафар жисмоний шахс рухсатномасиз радиотелефонлардан фойдаланаётгани маълум бўлди. Ҳозирга қадар юқоридаги радиотелефон эгаларидан тўрт нафари рухсатномалар олган бўлса, яна учтаси ҳужжатларини вилоят ЭММХга тақдим этган.

Вилоятда истиқомат қилаётган фуқаролар томонидан "Радиочастоталар спектри тўғрисида"ги қонуннинг бузилишига асосий сабаб, уларнинг мазкур қонунни яхши билмасликлари, бир сўз билан айтганда, ушбу қонун ҳақидаги маълумотлар етарлича тарғиб қилинмаётганлигидадир.

Бўлинмамизда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун талабларининг бажарилишини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган "Ишонч телефони"га кўрсатилаётган почта ва телекоммуникация хизматлари юзасидан 22та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 17таси "ЎзИ-Жиззах" филиали телефонларининг қониқарсиз ишлаётганлиги тўғрисидадир. Мурожаатлар ўрганилиб чиқилганда айрим масъул шахсларнинг вазифаларига лоқайдлик билан қараганликлари туфайли телефон носозликлари ўз муддатида бартараф этилмаётганлиги аниқланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "ЎзИ-Жиззах" филиалининг камчиликларга нисбатан ўз вақтида тегишли чоралар кўрмасдан келиши эътирозли мурожаатларнинг кўпайишига, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пасайиши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига олиб келмоқда.

"Жиззах почтаси" АЖ ва "Жиззах Телеком" филиалига қарашли боғламаларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида Ғаллаорол, Жиззах ва Зарбдор туманларидаги айрим почта алоқа бўлимларининг санитария ҳолати ва эстетик безатилиши талабга жавоб бермаслиги, алоқа бўлимларида мижозлар учун "Ишонч телефони" ва бошқа маълумотлар етишмаслиги, Жиззах, Зарбдор ва Фориш телекоммуникациялар боғламалари шаҳарлараро сўзлашув масканларида лицензия нусхалари, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларидан кўчирмалар, "Ишонч телефони" тўғрисида маълумот йўқлиги ва мижозлар учун етарли даражада қулайликлар яратилмаганлиги аён бўлди.

"Матбуот тарқатувчи" МЧЖнинг Ғаллаорол, Зарбдор ва Пахтакор туманларидаги 11та матбуот дўконларида ўрганишлар олиб борилганда уларнинг барчасида даврий нашрларнинг етиб келиш вақтлари ва товарларда нархномалар йўқлиги, тўққизтасида иш тартиби ва юқори ташкилот номи тўғрисида маълумот ҳамда ариза ва шикоятлар китоби мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ўтказилган ўрганишларда фош бўлган камчиликлар бўйича "Жиззах Телеком" филиали телекоммуникациялар боғламаларига тегишли кўрсатмалар берилишига қарамасдан камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаётир. Мисол учун, "Жиззах Телеком" филиали томонидан 122та хавфли кесишмаларнинг бор йўғи 26тасигина бартараф этилган. "ЎзИ-Жиззах" филиалида ҳам шу аҳвол. Раҳбар ва масъул ходимларнинг ушбу ишларга панжа орасидан қараётганликлари ачинарли ҳолдир.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси бундан кейин "Жиззах почтаси" АЖ, "Жиззах Телеком" ва "ЎзИ-Жиззах" филиаллари раҳбарларига нисбатан талабчанликни янада оширади ва ҳамкорликда халқимизга сифатли алоқа хизматларини кўрсатиш йўлида бор имкониятларни ишга солади.

**О.ДОБИЛОВ,**
**Жиззах вилояти ДАИ**
**бошлиғи вазифасини бажарувчи**

SEMINAR

# НАМУНАВИЙ ҚИШЛОҚ АТСи

**Хоразм воҳасининг Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламасида соҳадаги ютуқларни ҳаётга кенг жорий этиш, алоқа хизмати сифатини янада яхшилаш, белгиланган режаларни амалга ошириш бўйича вилоят миқёсида семинар-кўргазма бўлиб ўтди. Унда "Хоразм Телеком" филиали таркибидаги барча боғламалар раҳбарлари, бош муҳандислар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандислари, линия муҳандислари ва вилоят Давлат алоқа инспекцияси ходимлари қатнашдилар.**

**"Хоразм Телеком"** филиали директори Ортиқбой Оллаберганов семинар-кўргазмани очаркан, бугунги кунда эришилган ютуқлар ва эндиликда алоқачилар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, у аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, замонавий телефон станцияси мосламалари бузилишининг олдини олиш, уларни тез-тез техник кўриклан ўтказиб туриш, қишлоқ АТСларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда ташқи ва ички кўринишини замонавий талаблар даражасига келтиришга эътиборни қаратди.

Нотиқ Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламасида самарали ишлар амалга оширилганлигига тўхталиб, бу ерда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров киритган таклиф бўйича очиқ алоқа симлари кабелларга алмаштирилганлиги, линиялар ихчамлаштирилганлиги хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келганини таъкидлади.

Хоразм вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Мадраҳим Ражабов Қўшкўпир туманида йўлга қўйилган самарали ишлардан ўрнак олиб, бошқа туманларда ҳам алоқа линия хўжалигини тартибга келтириш, хавфли кесишмаларни бартараф этиш, барча цех участкаларида техник ҳужжатларни тўлиқ ва аниқ юритиш бўйича талабларни кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Шунингдек, "Хоразм Телеком" филиали директори биринчи муовини Фарҳод Янгибоев ҳамда филиалнинг Мукаммал қурилиш бўлими бош мутахассиси Оллаберган Матниёзовлар барча телекоммуникациялар боғламаларида эстетик ҳолатни яхшилаш, электромонтёрларни меъёрда белгиланган шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ходимларни бажарган ишлари учун рағбатлантириб туриш бўйича фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Семинар-кўргазма иштирокчилари Қўшкўпир тумани И.Бекмонов номидаги ширкат хўжалиги, Оҳунбобоев номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда туман марказида жойлашган АТСлар ҳолатлари билан танишдилар.

Дарҳақиқат, Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламасида амалга оширилган ишлар мақтовга лойиқ. Боғлама ҳудуди, ички йўллари асфалт қилиниб, атрофига дарахтлар, ранг-баранг гуллар экилган. Бинонинг ички хоналари озода, саранжом. Жиҳозлар ҳам тартибга келтирилган.

Шахтадаги кабеллар батартиб ва алоҳида жойлаштирилган ҳамда ҳар бирига рақамлар осилган. Мосламага уланган жойлар белгиланган меъёрларга мос келади. Кабелдан ҳаво чиқарилса, мослама дарров уни ҳаво билан тўлдиради. Электр энергияси ўчган тақдирда ихчам электростанция дизеллари ишга туширилади. Техника хавфсизлиги кўргазмали хонасида русумлари ёзилган кабел ва симларнинг ҳар хил туридан осиб қўйилган. Электромонтёрлар анжомлари, микросхемалар, турли асбоб-ускуналардан намуналар келтирилган ва остига номлари битилган. Ҳатто, алоқа соҳасидан йироқ оламлар ҳам намуналар билан танишгач, алоқачиларнинг иш фаолиятини тўла тасаввур эта олишади. Умуман олганда, телекоммуникация боғламасида барча асбоб-ускуналар меъёрда ишламоқда. Қишлоқ АТСининг янги сўзлашув шахобчаси ҳам дид билан безатилган.

Семинарда Қўшкўпир тумани И.Бекмонов ширкат хўжалигида жойлашган қишлоқ АТСининг намунали иш фаолияти бошқа телекоммуникация боғламаларида ҳам татбиқ этилиши тавсия қилинди. Семинар-кўргазма қатнашчилари бундай тадбирни ҳар ойда битта туманда ўтказишга келишиб олдилар. Шунингдек, барча туман телекоммуникациялар боғламаларига ойига бир қишлоқ АТСини замонавий ҳолатга келтириш вазифаси юклатилди.

**Ф.МУҲАММАДИЕВ**
**Хоразм вилояти**

SPORT JONKUYARLARI

# РАҲБАР МАДАД БЎЛГАНДА...

**Рустамжон Турсунов бир вақтлар электромонтёр бўлиб ишлар, вазифаларни пухта бажарар эди. У жамоат ишларида, айниқса, спорт ўйинларини ташкил этишда бошқаларга ўрнак бўлиб келган. Рустамжон 1996 йилдан буён Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида одамлар ишончини қозониб келмоқда. Энг муҳими, ўз ишидан ортиб, спортни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.**

**Мана,** тўрт йилдирки, у бошчилигидаги мини-футбол ва қизлар волейбол жамоалари алоқачилар ўртасидаги вилоят ва республика мусобақаларида юқори ўринларни олиб келади. 2002 йили волейболчи қизлар ҳам, мини-футболчилар ҳам республикада биринчи ўринни эгаллашди. Мини-футбол бўйича кўчма кубок уч йилдан буён Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоасида. Рустамжоннинг хонаси кўплаб "Фахрий ёрлиқ"лар, кубоклар билан безатилганки, бир кичик музей дейсиз. Зеро, пешона тери ва матонатли меҳнат эвазига қўлга киритилган бу ютуқлар жамоа аъзоларини янги ғалабалар сари чорлаб туради. Бизнинг Рустамжон билан қилган суҳбатимиз ҳам спорт хусусида бўлди.

— **Айтингчи, ғолибликни қўлдан бермай келишингизда қандай сир-синоат бор?**

— Ҳеч қандай сир-синоат йўқ. Фақат машқ, машқ ва яна машқ қилиш керак, ўз куч-имкониятларингизни тўғри баҳолай билишингиз зарур. — Бир кун машғулотга келмаган спортчи ўзини формасини йўқота бошлайди. Чунки спорт матонат, темир интизомни талаб қилади.

— **Волейбол ва мини-футбол жамоаларига аъзо бўлишни истовчилар кўпми?**

— Кўп. Лекин менинг "ички чемпионат"имда ғолиб чиққанларгина жамоага қабул қилинади. У аввало, шу спорт турини чин дилдан севиши, меҳнат, машғулотлардан қочмаслиги зарур.

— **Рағбат-чи? Шунга ярашами?**

— Мукофотлар, қимматбаҳо совғалар... Спортни фақат шулар учун севмайди киши. Лекин инсон қадр-қиммати эъзоз-эътибор билан. Шундай сониялар ҳам бўладики, кичкина бир эсдалик совғасидан ҳам бошимиз осмонга етади. Ўрни келганда очиғини айтай, аввало бизларни спортга йўллаб ва қўллаб турган раҳбарларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Шахсан филиал директори Давлатали Тошматовнинг бу борадаги кўрсатаётган ёрдами беқиёсдир. У киши яқинда вилоятимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг мини-футбол бўйича кўчма кубоги учун саралаш мусобақалари ўтаётганда томошабинлар қаторида бизга далда бўлиб ўтирдилар. Йигитларимизга бу руҳий мадад, турган гапки, куч-қувват, ғайрат бағишлади. "Наманган Телеком" филиали жамоасини 8-3, "Андижон Телеком" филиали жамоасини 21-1 ҳисобида ютдик. Шундан ҳам раҳбарларимизнинг спортга эътибори қанчалик ортиб бораётганини билиб олишингиз мумкин.

— **Рустамжон, мусобақа якунлари ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

— Ўйинлар оралиғидаги танаффус вақтлари марказий қўмита ташкил этган кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Мини-футбол қоидалари тўғрисидаги билимдонлик танловида "Наманган Телеком"дан техника бўлими назоратчиси Хайрулло Абдураҳмонов, "Энг кекса футболчи" танловида ҳам "Наманган Телеком" касаба уюшмаси қўмитаси раиси Моҳир Муқимов, кўз бойлаб дарвозага тўп киритишда бизнинг жамоамиздан Лутфулло Болтабоев ғолибликни қўлга киритдилар. Минтақавий мусобақада яна зафар қучган мини-футболчиларимиз республика босқичига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Мақсадимиз ягона — кубокни қўлдан чиқармаслик.

"Фарғона Телеком" филиалида спортни ривожлантириш жонкуярлари анчагина. Рустамжон Турсунов ана шуларнинг бири, холос. Турсуновларни бежиз спортчи-алоқачилар оиласи дейишмайди. Рафиқаси Садбархон "Фарғона почтаси"да хизмат қилади. Фарзандлари Рашидбек билан Элмира ҳам ота касбини танлашган — телекоммуникация соҳасида ишлашади. Уларнинг бири футболчи, бири волейболчи. Кичкина Дилдора эса теннисчи.

— Спортга бўлган муҳаббат ҳам қондан ўтса керак, — дейди Рустамжон. — Болалигимда дадам мени стадиондан қош қорайганда зўрға судраб олиб келарди. Қарангки, болаларим ҳам худди ўзим. Ҳаётларини спортсиз тасаввур этишолмайди.

Дарҳақиқат, республикамиз Президентининг "Болалар спортини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга татбиқ этишга катта ҳисса қўшаётган раҳбарлар оз эмас. Турсуновларга ўхшаган спорт жонкуярлари ва спортчи оилалар сафи кенгайиб бораверсин.

**Ҳ. САЛЯҲОВА**
**Фарғона вилояти**


## ЭЪЛОН!

**ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Жамоавий фойдаланиш пунктлари (Интернет-кафе, Интернет-клублар) орқали маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга лицензия бериш тартиби соддалаштирилган. Энди уни олиш учун тўғридан-тўғри Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Лицензиялаш, сертификатлаш ва стандартлаштириш бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Барча масалалар бўйича 138-41-39, 138-41-37 телефонлар ёки deplicense@aci.uz электрон манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

IQTISODIY SAVODXONLIK

# ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

**Бозор иқтисодиёти (рыночная экономика, market economy)** — Ғарбда бозор иқтисодиёти деганда, иқтисодий ечимлар асосан марказлашмаган тарзда қабул қилинадиган иқтисодиёт тушунилади. Бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатиши асосан бозор механизмлари орқали амалга оширилади. Ғарбдаги адабиётларда бозорнинг кўпгина таърифлари мавжуд, лекин уларнинг асосий қисми шундан иборатки, бозор мустақил равишда қарорлар қабул қилувчи алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, алоқалар шакли ҳисобланади.

**Бозор механизмининг афзалликлари (преимущества рыночного механизма, benefits of market mechanism)** — Ҳар қандай ҳолат сингари бозорнинг ўз афзалликлари бор. 1). Ресурсларнинг самарали тақсимланиши — бозор ресурсларини жамиятга зарур бўлган товарларни ишлаб чиқишга йўналтиради; 2). Ғоят чекланган ахборот мавжуд бўлганида ҳам унинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкинлиги — нарх ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишнинг ўзи етарли; 3).Қайишқоқлиги, ўзгарувчан шароитларга юқори даражада мослашуви; 4). Илмий-техника инқилоби натижаларидан оқилона фойдаланиш. Товар ишлаб чиқарувчилар энг юқори даражада фойда олишга интилиб таваккал қиладилар, янги товарлар ишлаб чиқарадилар ва янги технологияларни киритадилар. Бу эса уларга рақобатчилари олдида вақтдан ютиш имконини беради; 5). Истеъмолчилар ва тадбиркорларда танлаш эркинлиги. Улар ўз қарорларини қабул қилиш, турли битимлар тузиш, ишчи кучини ёллаш ва ҳоказоларда мустақилдирлар; 6). Хилма-хил эҳтиёжларни қондириш, товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, тенгсизликка тезроқ тузатиш киритиш имконияти.

**Бозор механизмининг камчиликлари (недостатки рыночного механизма, defects of market mechanism)** — Бозорнинг салбий томонлари ҳам бор. Уларга қуйидагилар киради: 1). Такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурсларнинг сақланишига кафолат бўлмайди; 2). Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмига эга эмас, фақат қонуний ҳужжатлар тадбиркорларни турли хил экологик ишлаб чиқаришни яратиш учун маблағ сарфлашга мажбур этиши мумкин; 3). Бутун инсониятга тегишли бўлган ресурслардан, масалан, океандаги балиқ бойликларидан фойдаланишни тартибга сола олмайди; 4). Бозор шароитида баъзан қабул қилинаётган потенциал салбий оқибатлар инкор этилади; 5).Жамоа бўлиб фойдаланиладиган товарлар ва хизматларни (йўллар, дамбалар, жамоат транспорти, маориф, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларни) ривожлантириш учун рағбатни вужудга келтирмайди; 6). Меҳнат ва даромад олиш ҳуқуқини кафолатламайди, даромадни қайта тақсимлашни таъминламайди; 7). Фанда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватламайди; 8). Бозор ижтимоий зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга эмас, балки пули бор одамларнинг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган. "Бозор хўжалик фаолияти қатнашчиларига юқори даражада эркинликни таъминласа ҳам, заиф ва ҳимоясизларга очликдан ўлиш эркинлигидан кўпроқ нарса бера олмайди", — деб ёзишган эди А.Бломквист, П.Воннакотт ва Р.Воннакотт; 9). Беқарор ривожланиш ва шунга хос бўлган рецессион ҳамда инфляция жараёнларига мубталодир. Юқоридаги санаб ўтилган вазифаларни ҳал этишни давлат ўз зиммасига олади.

**Бозор мувозанати (рыночное равновесие, market equilibrium)** — Бозордаги талаб ва таклифнинг миқдори ва таркиби жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши. Бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўллари бу — товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш орқали бозорни тўлдириш; етарли товарлар заҳирасини барпо этиш; талабгир товарлар нархини ошириш, ўтмай қолган товарлар нархини пасайтириш; экспорт ва импортнинг ортиши ёки камайиши; аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматлар кўпайишига қараб ортиб бориши; меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсиши. Бозор мувозанати маърифатли жамиятда бозорни тартибга солиш орқали таъминланади.

**Бозор сегментлари (сегментация рынка, segmentation)** — Бозорлар қуйидаги асосий турларга — суббозорларга, бозор сегментларига бўлинади. Умуман, бозор бой ва мураккаб тузилиши билан тавсифланади. 1). Бозор муносабатлари объектларининг иқтисодий аҳамияти бўйича истеъмол моллари ва хизматлари бозори, саноат моллари бозори, оралиқ моллари бозори, ноу-хау бозори, хом-ашё бозори, меҳнат бозори, қимматли қоғозлар бозори, иккиламчи хом-ашё бозори ва ҳоказо; 2). Географик ҳолати бўйича маҳаллий, миллий, жаҳон; 3). Рақобатни чеклаш даражаси бўйича — монополистик, олигонолистик, монолсоник, эркин, аралаш; 4). Тармоқлар бўйича — автомобил, компютер, нефт ва ҳоказо; 5). Сотиш хусусиятига кўра — улгуржи, чакана.

**Бозор қиймати (рыночная стоимость, market value)** — Харажатлари белгиланган тарзда ишлаб чиқарилган товарнинг қиймати. Бу қиймат товарларнинг бозордаги баҳосини тартибга солиб туради.

(Давоми бор.)

# МУҲАНДИС БАХТИ

***Бахт сўзининг маъносини ҳар ким ҳар хил тушунади. Биров уни моддий бойликдан, биров тотув турмушдан ва яна биров эл эҳтиромидан излайди.***

**Ўрозмат** ҳозир айни қирқ ёшда. У ўзининг мана шу сермазмун умри давомида яшаш моҳиятини халққа холис хизмат қилишда деб билди. Деҳқон фарзанди эмасми, болалигидан меҳнатга ўрганди. Мактаб қучоғида экан, илмга, техникага ҳавас боғлади. Қўлига ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатини олиши ҳамоно, Тошкент алоқа электротехника институти (ҳозирги ТАТУ) томон йўл тутди. Беш йил давомида илмнинг захматли йўлидан бориб, Эргаш Аллаевдек зукко устозлар қўлида алоқа тилсимоти сирларини зимдан ўрганди.

Ёш мутахассис Ўрозмат Бобожонов 1986 йили ўзи туғилиб ўсган Беруний туманига қайтди ва Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган автомат-телефон станциясида электромеханик лавозимида иш бошлади. Изланувчан муҳандис туман алоқачилари ва овулдошлари ўртасида яхши ном билан танила борди. Касбга садоқат туйғуси ҳамда юксак одамийлик хислатлари туфайли раҳбарият ишончига сазовор бўлди. Шу ишонч таъсирида кўп ўтмай шаҳар алоқа тармоғига ишга таклиф этилди. Янги иш ўрни Ўрозматни катта меҳнат зафарлари сари ундаб, уни янада улуғлади.

Йиллар учар қушга ўхшайди. Ўрозмат учқур йиллар қаноти остида тажрибали мутахассисга айланди. У айни кунларда "Қорақалпоқ Телеком" филиалининг Беруний телекоммуникациялар боғламасида етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатиб келяпти. Унинг зиммасига шаҳарлараро телефон алоқалари ҳисоб-китобини юритиш, аҳолига сервис хизмати кўрсатишдек масъулиятли вазифалар юклатилган. Мазкур вазифаларни бекаму кўст амалга оширишда Ўрозматга Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими Эгамберган Абдуллаев, автомат-телефон станцияси бош мутахассиси Эгамберган Каримовлардек тажрибали устозлар раҳнамолик қилишмоқда. Ботир Иброҳимов, Давлатёр Аширов, Жумагелди Собировлардек маслакдош дўст-ёрлар билан бирга ишлаш эса унга туганмас куч-қувват бахш этаётир.

Ўрозмат фақат малакали мутахассисгина эмас, балки фаол жамоатчи ҳамдир. У туман телекоммуникациялар бўлими касаба уюшмаси раиси сифатида жамоа аъзоларининг яқин суянчиғига айланган.

Ўрозмат Бобожонов мана шундай фидокор йигит. У эл тинчлиги, фаровонлиги учун курашиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишда ўз бахтини кўради.

**Т. ЭШМУРОДОВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

TAHRIRIYATGA MAKTUB

# ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОКОРИ

***Янгиликларга,*** *дунё сиёсати билан боғлиқ шарҳларга қизиқиш кучайган бир пайтда матбуот ва алоқа ходимларининг тутган ўрни беқиёсдир. Шу ўринда, Қўштегирмон қишлоғида фаолият кўрсатаётган мўъжазгина алоқа бўлимининг жонкуяр ходими Носир ака Эшмуродов номини ҳам алоҳида тилга олмоқ жоиз.*

*Муштарийларнинг ҳурматига сазовор бўлган бу инсон ҳар биримизни газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бериш орқали янгиликлар ва қизиқарли воқеалардан хабардор қилиб боради. Эл дуосини олган Н.Эшмуродов Қашқадарё вилоятининг Эски Яккабоғ ҳудудидаги марказий шифохона ходимларини ҳам кундалик матбуот нашрлари, хат-хабарлар билан таъминлаб, ҳурмат ва эътибор топмоқда. Шифохонанинг туғруқ мажмуаси, реанимация бўлими, кардиология, физиотерапия, поликлиника, ошхона, тез тиббий ёрдам ва бошқа бўлимлари ходимлари Носир аканинг беминнат хизматидан мамнунлар.*

*Носир ака Эшмуродовнинг бундан кейинги фидокорона ишларида ривож тилаймиз.*

***Э.ШОМУРОДОВ,***
***Шифохона бош ҳакими***
***ва яна етти имзо***

SPORT

# ТАТУ КУБОК СОҲИБИ

***Икки кун давом этган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг кўчма кубоги учун мини-футбол мусобақаси ўз ғолибларини аниқлади.***

Ўзбекистон Аграр университети спорт залида бўлиб ўтган беллашувларнинг биринчи кунида чорак финал учрашувлари ўтказилди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

*ТАТУ – "ЎЗИ-Қарши" – 10 : 1;*
*ТШТТ – ДФХ – 6 : 1;*
*Қорақалпоқ алоқа ходимлари – "Фарғона Телеком" – 1 : 2;*
*"Тошкент Телеком" – "Сирдарё Телеком" – 11 : 2.*

Кеча чорак финалда ғолибликни қўлга киритган тўрт жамоа ким кучли эканлигини аниқлаш учун майдонга тушишди.

**Ярим финал.**

*ТАТУ – ТШТТ – 6 : 1;*
*"Фарғона Телеком" – "Тошкент Телеком" – 4 : 6.*

**3-ўрин учун.**

*ТШТТ – "Фарғона Телеком" – 4 : 6.*

**Финал.**

*ТАТУ – "Тошкент Телеком" – 8 : 3.*

Ўйинлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, ярим финал учрашувлари ҳам, совринли ўринлар учун кечган баҳслар ҳам ниҳоятда шиддатли ўтди. Айниқса, ўтган йилги кубок соҳиби "Фарғона Телеком" ва "Тошкент Телеком" жамоалари ўртасидаги ўйин муросасиз курашлар остида кечди. Асосий вақтда кучлар тенг келган бўлса, қўшимча вақтда омад пойтахт вилояти алоқачиларига кулиб боқди.



Финал учрашуви бу йил жамоалар кубокни қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўришганини яна бир карра исботлади. Ўйинлар якунида шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, мини-футбол бўйича бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган мусобақанинг савияси йилдан-йилга ташкилий жиҳатдан ҳам, жамоаларнинг тайёргарлиги жиҳатидан ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек, ушбу мусобақага бўлган қизиқиш ҳам тобора кучаймоқда. Буни, айниқса, ТАТУ жамоаси исботлай олди. Мағлубият нималигини билмаган ушбу жамоа ҳақли равишда кубок соҳибига айланди.

Мусобақа якунида совриндор жамоаларга Ўзбекистон республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Л. ТУРСУНОВ**

KUTILMAGAN MEHMON

# АДЕЛА НОРИЙЕГА: БАРЧАГА СЕВИМЛИ ГВАДАЛУПЕ

***Бугунги** ўзбек телетомошабини кўплаб хорижий сериаллардан баҳраманд бўлмоқда. Сериалларнинг эса адоғи йўқ — бири тугар-тугамас бошқаси бошланади. Бироқ уларнинг барчаси ҳам мухлисларда бирдай қизиқиш уйғота оляптими? Майли, бу савол жавобини зукко томошабинларимизга қолдирайлик-да, мақсадга ўтақолайлик. Демак, газетамизнинг ушбу сонида минглаб мухлисларни "Ойнаи жаҳон" қаршисига "михлаб" қўяётган "Гвадалупе" сериалининг бош қаҳрамони билан танишасиз. Хўш, қалбингизни забт этган ўша содда, самимий, меҳрибон ва айни дамда ҳақиқий аслзодага айланган мафтункор Гвадалупе ким?*



**Адела Норийега** 1969 йилнинг 24 октябрида Мехико шаҳрида таваллуд топди. Отаси оламдан ўтгач, қизалоқ Адела икки яшар синглиси ҳамда кичик укаси билан онаси қўлида тарбия топди.

Болалик чоғларидан актриса бўлишни орзу қилиб келган Аделанинг истаги ниҳоят амалга ошди. У илк ролини "Хуана Ирис" ("Juana Iris") сериалида ижро этди. Ўшанда ўн беш ёшда эди. Шундан сўнг "Chachun chachun" телешоусида ва Лусио Мендеснинг видеоклипида суратга тушди. 1988 йили таниқли юлдузлар – Талия ва Эрнесто Лагуардия иштирок этган "Ўн беш ёшли" ("Quinceanera") сериалида оддий оиладан чиққан қиз – Мариана тимсолини яратди. "Есения" ("Yesenia") теленовелласини суратга олиш ишларида ўзини синаб кўрган Адела ёш лўли қиз образини ижро этиб, телетомошабинлар меҳрини қозонди.

Юқоридаги икки сериалда улкан муваффақиятга эришган Адела 1994 йили АҚШга йўл олди ҳамда барчамиз севиб томоша қилаётган "Гвадалупе" ("Guadalupe") телесериалида бош қаҳрамон сиймосини яратди. 1995 йили колумбиялик киноусталар уни "Мария Бонита" ("Maria Bonita") теленовелласи бош ролига таклиф этишди. У Колумбия президентининг ўғлини севиб қолган ёш қўшиқчи қиз ролида суратга тушди.

Эътибор берган бўлсангиз, Адела Норийега иштирокидаги барча сериалларда бугунги ёшлар, уларнинг ички кечинмалари, қувонч ва ташвишлари, муаммолари батафсил ёритилган. У яратган аксарият персонажлар айнан мана шу ёш авлод вакилларидир. Айтиш мумкинки, Адела ўзига юклатилган вазифани ортиғи билан уддаладди ва йигирма беш ёшидаёқ нафақат Лотин Америкасида, балки жаҳон миқёсида танилиб улгурди.

Унинг шахсий ҳаёти доимо мухлислар, журналистлар диққат-марказида бўлган. Норийега ўзи ҳақидаги ҳар хил гап-сўзларга тоқат қилиб келган. Бироқ 1997 йили Адела Карлос Салинас де Гартани (Мексиканинг собиқ президенти)нинг маъшуқаси эмиш қабилидаги миш-мишлар тарқалгач, у бу гаплар бўҳтон эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, "Мария Исабел" сериалидаги шериги Фернандо Карилио билан муносабатлари тўғрисида ҳам турли гаплар кулоч ёза бошлаганди. Аммо Адела 1994 йилда Эдуардо Янэс (Алфредо) билан яқин муносабатда бўлганлигини тан олган (Ўшанда "Гвадалупе" сериали суратга олинаётган эди).

Норийега 1997 йили Мексикага қайтди ва "Мария Исабел" сериалида ҳинду қиз ролини ижро этди. Кейинчалик "Севги эътиқоди" ("El privilegio de amar") сериалида бош қаҳрамон тимсолини яратди. Адела Норийега ижро этган юқоридаги ҳар иккала роли учун "Tv y novelas" журналининг "Йилнинг энг яхши актрисаси" мукофотини олишга мушарраф бўлди.

Адела 2001 йилнинг августида "Булоқ" ("El manantial") теленовелласига таклиф этилди. Филмнинг продюссери Карло Эстрада эди. Уларнинг ҳамкорлиги кейин ҳам давом этди. 2002-2003 йилларда Адела "Ҳақиқий муҳаб-бат"("Amor Real") теленовелласида "Эсмералда" сериалидаги Хосе Армандо роли орқали ўзбек телетомошабинларига яхши таниш бўлган Фернандо Колунга ва Маурисио Ислаcлар билан биргаликда суратга тушди.

"Ҳақиқий муҳаббат"даги воқеалар ривожи XIX аср Мексикасида бўлиб ўтади. Келиб чиқиши аслзодалардан бўлган Матилда Пенялвер (А.Норийега) исмли ёш қиз ва паст табақа вакили оддий асқар Адолфо Солис (М.Ислас) ўртасида муҳаббат пайдо бўлади. Қизнинг онаси Аугуста (Е.Рохо) бунга тиш-тирноғи билан қарши, чунки ҳамёни қаппайган бойвачча куёвгина Пенялверлар оиласини молиявий инқироздан сақлаб қолиши мумкин эди... Аугуста куёвликка муносиб номзод сифатида ёш аслзода Мануэл Фуэнтес Геррани лозим топади. Пенялверлар Мануэл заминдор Хоакин Фуэнтес Герранинг қашшоқликда ўсган ноқонуний ўғли эканлигини билишмас эди. Хоакин ўлими арафасида ўғлини тан олади ва бор мол-мулкини унга мерос қилиб қолдиради.

Аугуста ва унинг ўғли Умберто (Э.Лагуардия) қандай бўлмасин Матилдани Мануэлга никоҳлаб беришга ҳаракат қилишади. Севишганлар қаршилигини синдириш учун турли йўллар орқали Адолфони қамоқхонага жўнатишиб, Матилдага севган кишиси аллақачон уйланганлигини ва боласи ҳам борлигини айтишади. Адолфонинг "хиёнати"дан ранжиган Матилда оила аъзоларининг қистови натижасида ўзи ёқтирмаган Мануэлга турмушга чиқишга рози бўлади...

Қамоқдан қочган Адолфо асл ҳақиқатни етказиш учун суюклиси томон ошиқади. Бироқ у кечикканди. Адолфо Матилда билан учрашиш имкониятига эга бўлиш учун Фуэнтес Герралар оиласига иш бошқарувчиликка ўтиб олади. Юрагида аслзода ва келишган эрига нисбатан илиқлик пайдо бўла бошлаган Матилда Адолфога турмуш ўртоғини севишини ва ундан фарзанд кутаётганлигини айтади. Умидлари саробга айланган Адолфо бош олиб чиқиб кетади. Бахтга қарши ёш оиланинг тотувлиги узоққа чўзилмайди: кутилмаганда Мануэл хотини ва собиқ иш бошқарувчиси ўртасидаги муносабатлардан хабар топади. У туғилажак



мероскўри ўзиники эканлигига шубҳа қилиб, Матилда билан ажрашади. Мануэлни пинҳона севиб юрган Антониа эса фурсатдан унумли фойдаланиб қолади... Матилда охир-оқибат ҳақиқий муҳаббат ришталари уни ким билан боғлаб турганини тушуниб етади...

Хуллас, актриса Адела Норийега барча ролларини маромига етказиб ижро эта олиши туфайли кино оламида шуҳрат қозонди. Насиб этса, "Ҳақиқий муҳаббат" сериалини ҳам томоша қиласиз ва бунга яна бир бор амин бўласиз.

**У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади**

F SP-1

ABONEMENT gazeta ______ (nashr indeksi)

**XABAR газетасига**

komplekt soni

200___yil uchun (oylar bo'yicha)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Qayerga ______

(pochta indeksi) (manzil)

Kimga ______

(familiyasi, ismi, sharifi)

ELTUV KARTOCHKASI

P.V. | joyi | gazeta ______ (nashr indeksi)

**XABAR газетасига**

| Obuna manzili o'zgartirish | Bahosi | so'm | komplekt soni |
|---|---|---|---|
| | | so'm | |

200___yil uchun (oylar bo'yicha)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Qayerga ______

(pochta indeksi) (manzil)

Kimga ______

(familiyasi, ismi, sharifi)

BILASIZMI?

## КИМ ҚАНДАЙ ЧОЙХЎРЛИК ҚИЛАДИ?

**Ўзбекнинг** чой ичмаган куни йўқ. Ошдан кейин ҳам чой, шўрвадан кейин ҳам чой, ҳатто чойдан кейин чой ичишга бир баҳя қолади. Бироқ чойхўрлик одати нафақат ўзбекларда, балки кўпгина бошқа халқларда ҳам шаклланган. Фақат уни истеъмол қилишда бироз фарқ бор. Масалан, биз чойга қора мурч ёки асал қўшиб ичишни ёқтирамиз. Шу билан бирга бугун дамлаган чойимизни эрталикка ҳам қолдираверамиз, совуқ чой қилиб. Аммо бундай қилиш зарарли экан. Хитойликлар кечадан қолган чойни заҳарга тенглаштиришади.

Тибетликлар чойни коктейл каби кўпиртириб ичишни ёқтиришади. Бунинг учун улар чойга туз ва сариёғ қўшиб, роса аралаштиришади ва кўпиртиришади.

Мўғуллар чойга сут, ёғ, ун ва ёрма қўшиб истеъмол қилишни афзал кўришади.

Чойни сут билан бирга дамлаб, унга туз, дафна япроғи, мускат ёнғоғи (Осиёнинг иссиқ мамлакатларида ўсадиган доим яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли меваси) ва чиннигул аралаштириб ичиш қалмоқларнинг жону дили.

Ҳиндлар эса чойни совутиб, унга шакар, лимон аралаштириб, муз билан ичишни хуш кўришади. Лотин Американиклар муз, ананас ва Куба ромини чойга аралаштириб ичишади.

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

*"Ўзбектелеком" АК ва "Интал Телеком" филиали жамоалари Бухоро вилояти "Интал Телеком" тармоғи бошлиғи **Пўлат ОБИДОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этишади. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларида муваффақиятлар тилайдилар.*

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шуҳрат ЖАББОР, Мирпўлат МИРЗО, Алишер ХЎЖАЕВ, Рустам ҚОСИМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1-уй. Тел.: 136-36-42, 136-35-29, 138-41-94. Факс: 136-36-42. Habar@aci.uz Нашр кўрсаткичлари: 227;228 Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган. Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази. Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Матн терувчи: У.КОСИМОВ Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ

Буюртма № Г-864. Босишга топширилди – 18.00 Босишга топшириш вақти – 18.00 6475 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.